

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ
ИНСТИТУТИ

“САНЪАТШУНОСЛИК ВА
МАДАНИЯТШУНОСЛИК”КАФЕДРАСИ

МАВЗУ: Ҳамза номидаги Қўқон шаҳар Ўзбек Давлат
муסיқали драма театрида замонавий асарлар ҳамда
жаҳон драматургияси намуналарининг сахнавий
талқини

“Санъатшунослик журналистикаси” бўлими 4-курс талабаси
Пўлатова Шаҳлохоннинг

Курс иши

Курс раҳбари: Б.Ҳайдаров

“ ____ ” _____ 2012 йил

Тошкент 2012

*Ҳамза номидаги Қўқон шаҳар Ўзбек Давлат мусиқали
драма театрида замонавий асарлар ҳамда жаҳон
драматургияси намуналарининг сахнавий талқини*

Театр ҳар бир даврнинг маданиятини кўрсатувчи бир восита вазифасини ўташи ҳеч кимга сир эмас. Ана шу маданият ўчоғи сифатида Ҳамза номли мусиқали драма театри ҳам ўзининг муносиб фаолиятини давом эттириб келмоқда. Бизга маълумки, Қўқон театри шонли тарихга эга. Театр бешигини не-не буюк дарғалар тебратиб уни авлодлар юрагига кўчирди. Театр бугунги кунда ҳам фаолиятини бир текисда олиб бормоқда. Театрнинг сунги йиллардаги Театрнинг сунги йиллардаги репертуарига назар ташласак “Афандининг 5 хотини” (1992), “Парвона”(1993), “Тоҳир ва Зухра”, “Қўнғироқли алдоқчи”, “Равшан ва Зулхумор” (1994), “Уфқ” (1995), “Бир қизга минг ошиқ” (1996), “Қўқоннинг 12 дарвозаси” (1997), “Увайсий”, (2000), “Ҳасан Кайфий”, “Боғ” (2004), “Уч япроқ”, “Сирли кутича”, “Покликка даъват”, “Олтин эшак” (2007); “Тўрт эгизак”, “Қирол”, “Кўчки”, “Найман она қиссаси”, “Шинель”, “Ўрмондаги хангома”, (2008); “Бахтнинг шакли”, “Нурин ота хангомаси” (2009);

“Алдоқчи улоқча”, “Кўрмаганни кўргани курсин”, “Бу чоллар ёмон чоллар”, “Давлат болалари” (2010); “Қайсар қуёнча”, “Паймона”, “Жаннати аёл” (2011), ҳамда болалар учун “Ўрмондаги кўрик-танлов”, “Дилшод ботирнинг жасорати” (2007), “Ўргимчак одам саргузаштлари” (2008), “Қорбобо ва Қорқиз” (2009), “Тантиқ шахзода” (2009) каби асарлар сахна юзини кўрди.

Албатта юқорида номлари санаб ўтилган спектакллар ўзининг мавзу, ғоя ва энг асосийси жанр жиҳатидан хилма-хилдир. Шундай экан бундай сахна асарлари театрда намоиш этилиш учун профессионал кўз билан кўра олувчи, маҳоратли режиссёр ва унинг талабларига жавоб берувчи театр ходимлари муҳим ўрин тутди. Театрда шу вақт мобайнида А. Азизов, Ж. Жўраев, К. Охунов, К. Йўлдошев, М. Жураев, ва ёш режисёрлардан Ш. Усмонов, И. Абдуллаев, Г. Олимовалар фаолият юритмоқда. Режиссёрлар дунёқараши ва асарга ёндашиши билан бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Театрнинг бош режиссёри А. Азизов ҳам режиссурада ўз имзосига эгадир. У яратган сахна асарлари ўзининг чуқур мазмунга эга эканлиги билан ажралиб туради. У асосан актёрларни бир жамоа бўлиб ишлашга ундайди шу сабабли унинг сахна асарларида

жамоавийлик сезилиб туради. Аммо режиссёрнинг камчиликларидан бири спектаклларга мажбурий равишда кулгуни олиб киради. Бу эса актёр ижросида сохта жаранглаб асарнинг ғоявий томонига путур етказди.

А. Азизов сахналаштирган “Уч япроқ” (А. Қаҳҳор), “Найман она қиссаси” (Ч.Айтматов), “Бахтнинг шакли” (А. Назирий), “Нурин ота хангомаси”, “Алдоқчи улоқча” (А.Обиджон), “Ғаройиб туш” каби сахна асарлари шулар жумласидандир. Режиссёр катта сахна асарлари билан бир қаторда ёш томошабинлар учун “Ўрмондаги кўрик-танлов”, “Дилшод ботирнинг жасорати”, “Қорбобо ва Қорқиз” каби шоу эртакларни ҳам сахналаштириб томошабинлар олқишига сазовар бўлмоқда.

Режиссёрнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири бу ташкилотчиликнинг уддасидан чиқишидир. Шаҳарнинг барча жамоат тадбирлари унинг ташаббуси билан ташкил этилиб, оммавий томошалар билан бойитилади. 2009 йил ҳам атоқли адиб А. Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб театр жамоаси томонидан сахналаштирилган “Уч япроқ” асари адибнинг машҳур “Майиз емаган хотин”, “Бемор”, “Анор” ҳикоялари асосида сахна юзини кўрди.

А. Азизов асосан комедияга йўғрилган асарларни сахналаштиради. Масалан, Ш. Маҳкамовнинг асари асосида сахналаштирилган “Сирли қутича” комедияси ҳам театрни бир спектакл билан бойишига сабаб бўлди. Комедия жанридаги бу асар инсонларни бахт ва бойлик – мол-мулкда эмас, балки ҳалол покиза яшаб бир-бирларига оқибатли ва мурувватли бўлишга, ҳамда эзгуликка интилиб яшашда деб уқтиради. Яна бир “Бахтнинг шакли” ёки (Тўйда кўришгунча) А. Назирий қаламига мансуб асар ҳам ёшлар ва кексалар ҳаётидан олинган бўлиб, миллий удумларни комедия тарзда акс эттирган.

Бугун Азимжон Азизов театрда ёлғиз эмас. Унинг ортидан ёшлар шахдам қадам билан театр эшигини қоқмоқда.

Булар Ш. Усмонов, Г. Олимова, И. Абдуллаев каби режиссёрлар бўлса, Саодат Қурбонова, Сайёра Ҳусинова, Ғайрат Аҳмедов, Жасур Оқилов каби актёрлар ва актрисалар театрнинг бугунги кундаги фаолиятига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Чунки театрда ёшлар ўртасида яхши маънодаги рақобат кечмоқда. Бунинг натижасида театрга янги муҳит ва янги руҳ кириб келди. Улар театрга келиб ўзларининг самарали меҳнатини бошлади. Театр ходимлари бугунги кунда қўл ураётган сахна асарлари долзарблиги, томошавийлиги ва

энг муҳими томошабинни мушоҳада юритишга ундаши билан фарқланади. Уларнинг ижод маҳсуллари “Ғаройиб туш”, “Лайли ва Мажнун”, “Сув париси”, “Шинель”, “Қирол”, “Давлат болалари”, “Юнон фожеаси”, “Тўйлар муборак”, “Паймона”, “Қўшни қизга уйланаман” ҳамда, “Жаннати аёл” спектакллари фикримизнинг исботидир. Шу спектакллар ичида томошабинлар томонидан илиқ кутиб олингани О.Мадатованинг “Жаннати аёл” спектаклиир .

Шу спектакллар ичида томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган И. Абдуллаев сахналаштирган О. Мадатованинг “Жаннати аёл” асаридир. Шу йилнинг май ойида ўтказилган “Сени куйлаймиз замондош” театр фестивалида қатнашган “Жаннати аёл” спектакли ҳам Қўқон театрига келган томошабинларни бирдек руҳлантирди.

Унда кўтарилган мавзу бугунги театрларнинг “кўрки”га айланган қайнона-келин муносабатининг янги талқинидир. Спектакл жанри драма бўлиб, режиссёр спектаклнинг барча имкониятларини актёрга юклаган. Назаримда, муваффақиятнинг калити ҳам айнан ана шунда эди. Спектаклда Ўзбекистон халқ артисти Шафоат Раҳматуллаева қайнона ролини талқин этган. Бизга маълумки, актёрнинг маҳорати яратган ролида актёрни эмас, образни кўрсата олиши ҳамда, хайратга эмас, ларзага солиши ва ташқи воситалар билан биргаликда ички

имкониятлардан унумли фойдаланишида кўрилади. “Жаннати аёл” спектаклида Манзура хола қиёфасини яратган Ш. Раҳматуллаева сахнада ана шундай қиёфада намоён бўлди. Шу билан бирга “Жаннати аёл” тимсолини яратган актриса Саодат Қурбонова ҳам спектаклда муносиб ўрнини топди.

Энг аввало драматургия ҳақида сўз борганда у талабанинг иши эканлиги сезилиб қолган. Ҳаётини жараёнларни ҳам содда қурган, воқеалар ривожига бўрттириш, қийинчиликлардан силлиқ чиқиб кетиш асарда устуворлик қилган. Бунда режиссёр асар танлаш жараёнида хатоликка йўл қўйган, натижада ўзи ҳам театр жамоаси ҳам анча тер тўкиб ишлади. Режиссёр барча эътиборни сўзларга қаратиб, спектаклга ўз дунёқарашини яъни фантазияси ва топилмаларини киритмаган. Бу эса сахнани, томошабин олдида яна бир поғона тушириб қўйди. Режиссёр актёрлар ансамблини танлашда анча қийинчиликларга учради. Чунки театрда “героина” қиёфасини яратадиган актрисани топиш амри маҳол эди.

Спектаклга танланган мусиқа, чироқ спектаклнинг жозибасини оширишга хизмат қилди ва рангларда ҳам ритм уйғунлигини таъминлади. Спектаклнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири рамзийликдан меёрда фойдаланилган. Спектаклда она тимсолини

берувчи дарахтар ҳамда келиннинг аччиқ қисматидан воқиф қилуқчи калампири, декорация ҳам воқеада маълум вазифани бажаришдан далолат беради. Бу албатта театр рассоми Қаҳрамон Мамазияев ва режиссёр И. Абдуллаевларнинг ютуғидир.

Тўғри спектакл камчиликлардан мустасно эмас. Булардан энг ачинарлиси актёрларнинг шева сўзлардан кўп фойдаланишидир. Айниқса бу қаҳрамон аёл Наргиза (Саодат Қурбонова)да яққол сезилиб қолган. Менимча, бу актрисанинг санъат соҳасида билимга эга эмаслигидан далолатдир. Бу муаммо режиссёрларнинг актёрлар билан ишлаш жараёнида турли хил қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Чунки театрнинг аксарият ёш актёрлари актёрликка хос билимга эга бўлмаган кўнгилли ёшлардир. Бу вазиятда барча оғирлик режиссёрга тушиши табиий албатта.

Бизга маълумки, актёрнинг маҳорати ярашган ролида актёрни эмас, образни кўрсата олиши, ҳамда ҳайратга эмас, ларзага солиши ва барча ташқи воситалар билан биргаликда ички имкониятлардан унумли фойдаланишида кўрилади. “Жаннати аёл” спектаклида Манзура хола қиёфасини яратган Ш. Раҳматуллаева сахнада ана шундай қиёфада намоён бўлди. Шу билан бирга “Жаннати аёл”

тимсолини яратган актриса Саодат Қурбонова ҳам спектаклда муносиб ўрнини топди.

Энг аввало драматургия ҳақида сўз борганда, у талабанинг иши эканлиги сезилиб қолган. Ҳаётини жараёнларни ҳам содда қўрган, воқеалар ривожига бўрттириш, қийинчиликлардан силлиқ чиқиб кетиш асарда устиворлик қилган.

Бунда режиссёр асар танлаш жараёнида хатоликка йўл қўйган. Бунинг натижасида ўзи ҳам, театр жамоаси ҳам анча тер тўкиб ишлади.

Режиссёр барча эътиборни сўзларга қаратиб, спектаклга ўз дунёқарашини яъни фантазиясини ва топилмаларини киритмаган. Бу эса сахнани томошабин олдига яна бир поғона тушириб қўйди.

Режиссёр актёрлар ансамблини танлашда анча қийинчиликларга учради. Чунки театрда “Гароина” қиёфасини яратадиган актрисани топиш амри маҳол эди.

Асарга танланган мусиқа, чироқ спектаклнинг жозибасини оширишга хизмат қилди ва ранглара ҳам ритм уйғунлигини таъминлади. Спектаклнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири рамзийликдан меёрида фойдаланилган. Спектаклда она тимсолини берувчи дарахт ҳамда келиннинг аччиқ қисматидан воқиф қилувчи

калампири, спектаклнинг декорацияси ҳам воқеада маълум вазифа бажаришдан далолат беради. Бу албатта, театр рассоми Қаҳрамон Мамазияев ва режиссёр И. Абдуллаевларнинг ютуғидир.

Тўғри, спектакл камчиликлардан мустасно эмас. Булардан энг ачинарлиси актёрларнинг шева сўзларидан фойдаланишидир. Айниқса, бу қаҳрамон аёл Наргиза (Саодат Қурбонова) да яққол сезилиб қолган. Менимча, бу актрисанинг санъат соҳасида билимга эга эмаслигидан далолатдир. Бу муаммо режиссёрларнинг актёрлар билан ишлаш жараёнида турли хил қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Чунки театрнинг аксарият ёш актёрлари ҳеч қандай актёрларга хос билимга эга бўлмаган кўнгилли ёшлардир.

Бугунги кунда “Жаннати аёл” спектакли театр репертуаридан муносиб ўрин олиб, энг кўп томашабин келадиган спектакл десак муболаға бўлмайди.

Бу спектакл томошабинларнинг талабларига мавзу, ғоя, жиҳатидан тўла-тўқис жавоб бермоқда. Аммо актёрлик масаласи ҳар доим театрнинг оғриқли нуқтаси бўлиб қолмоқда.

Тарозининг палласи доимо тенг келмаганидек театрда яратилаётган сахна асарлари ҳам доимо муваффақият қозонавермайди. Шундай спектакллардан бири Ўзбекистон халқ

шоири О.Ҳакимов драмаси асосидаги Г.Олимова сахналаштирган “Паймона” спектакллариدير.

“Паймона” спектаклида майор, раис, Таманно, табиб, Тўтишақшақ, келин, Валижон ва бошқа қаҳрамонлар қатнашади.

Бу қаҳрамонларни актёрлардан М. Зоҳидхўжаев, Д. Мансуров, О. Бегматова, Т. Каримов, Ш. Раҳматуллаева, С. Қурбонова, О. Анваров ва бошқалар талқин этган. Спектакл маиший мавзу асосига қурилган бўлиб, жамиятимизда ҳар қадамда учраб турган нопок оилаларнинг бошига тушган савдолар кўрсатилган. Бу иллатларга қарши маҳалла бош-қош бўлиб курашади. Аммо балиқ бошидан деб маҳалла оқсоқоли ҳам қора кўчанинг қора ниятли кишиси бўлиб чиқади. Бу спектакл ҳам инсонларни огоҳ бўлишга чақиради. Фақатгина асар қаҳрамонлари каби “паймонаси” тўлганда эмас, “касални даволашдан кўра олдини олган маъкул” ақидасини илгари суради. Албатта спектакл ғоявий жиҳатдан долзарб, мулоҳазалидир. Аммо унга ёндашиш ҳамда актёрлик талқини “примитив” ва ночор бўлиб қолган. Бу спектаклнинг савиясини тушириб юборган. Натижада муаллифнинг пухта ғоявий асарини режиссёр зерикарли томошага айлантириб қўйган.

Театрнинг репертуаридан муносиб ўрин олган яна бир спектакл Р.Муҳаммаджонов қаламига мансуб “Давлат болалари” сахна асаридир. Спектакл драма жанрида ёзилган бўлиб, 2 пардадан иборат.

Спектаклни Рамзжон Рустамов сахналаштирган бўлиб, унда Отабек Анваров, Гулзира Мамажонова, Отахон Халилов, Сайёра Пўлатова, Одина Бегматова, Илҳом Турғунов каби актёр ва актрисалар иштирок этишган. Спектаклдаги воқеалар Тошкентда бўлиб ўтади. Бутир ва Баҳора, Бахтиёр ва Назира спектаклнинг юш қаҳрамонлари ва севишган жуфтликлардир.

Спектакл аввалида севгидан сармаст ёшлар ҳамда уларнинг рашкларидан юзага келган кичик жанжаллар бўлиб ўтади. Бутир (О.анваров) табиатан шўх, сўзга чечан, ерга урсанг кўкка сапчийдиган йигит бўлиб сахнада гавдаланади. Спектакл Бутир ҳамда Баҳоранинг учрашув сахнасидан бошланади. сўлим боғ, Баҳора бетоқатлик билан Бутирни кутмоқда. Аммо режиссёр бу сахнани ҳаракатга эмас, сўзларга қурган. Бу эса томошабинни зерикишига сабаб бўлади. аммо, воқеалар бешинчи сахнадан жонланади. Бутир ўз севгилиси Баҳорани дўсти Бахтиёрга икки томчи сув каби ўхшаб кетишига аллақачон эътибор қаратган. Бунинг устига Бахорой ва Бахтиёрлар ҳам бир-бирларига аллақандай яқинлик, пок инсоний

самимийлик сезадилар. Бутир эса чнн етим. Балоғат ёшигача болалар уйила қорни тўқ, усти бут аммо, ота-она меҳрига зорликда кўнли яримта бўлиб ўсди. Дўсти Бахтиёр севгилиси баҳора ҳам тўла бўлмасада ярим етимликларини яъни бири ота, иккинчиси она меҳрига зор эканлигини биларди. Баҳора ҳамда Бахтиёрнинг бири-бирига ўхшаши Бутирни уларни ота-оналарининг ўтмишларини зимдан текширишга ундайди. Текширув натижасида Бутир севгилиснинг онаси Хуморахон дўстининг дадаси Наслиддиновлар аввал эр-хотин бўлганлар деган хулосага келади. Аммо, спектаклда бутирнинг бу ҳақиқатнинг тагига етиши ноаниқлигича қолиб кетган. Рашк туфайли жуфтликлар ўртасида жанжал бўлиб ўтади. Бунинг оқибати эса, бутирнинг бор ҳақиқатни баҳора ва Бахтиёрга айтиши билан якунланади. Бу ҳақиқатни исботлаш учун Баҳора ҳамда Бахтиёрнинг ота-онаси олдида кичик сахна кўриниши ёшлар томонидан уюштирилади. Яъни, Баҳора ҳамда Бахтиёр севишганлар ролини ўйнайди. Шу сахнада барча қаҳрамонларнинг асл юзлари томошабинлар олдида очилади. Ота-онанинг қанчалик енгил эканлиги, бунинг иллатлари фарзандларига ҳам ўтганлиги спектакл сўнггида ўз тасдиғини топади. Спектакл фалсафий ечимга эга бўлиб, у томошабинлар ҳукмига топширилган. Спектаклда актёрлар ансамбли

ҳам ўзига хос танланган. Айниқса, Бутир образини яратган актёр Отабек Анваров қаҳрамонинг дардини, ички кечинмаларини бир сўз билан айтганда характерини топа олган. Спектаклда баҳора ҳамда Назира образларини ижро этган актрисалар эса жуда бўш бўлиб уларга нисбатан на режиссёрлик, на актёрлик топилмаси топилган. Улар оддийгина асар иштирокчилари сифаида қолиб кетган. Ота-она ролини ўйнаган Одина бегматова ҳамда Ақром Анваровлар ҳам қаҳрамонларнинг кўзга ташланган характерини очиб берган, аммо уларнинг дардини топа олмаган. Спектаклда актёрлар ўртасида назаримда боғлиқлик йўқ. Актёрлар жойлашган мезансахналар тартибсиз жойлашган. Воқеалар асосан икки жойда бўлиб ўтади. Биринчи боғ сахнаси жуда примитив бўлиб қолган. Иккинчи Хуморахоннинг уйи ҳам содда, келтирилган таърифга жавоб бермайди. Рихснивой Муҳаммаджоновнинг “Давлат болалари” пьесасини ўқиганимда спектаклда режиссёрнинг ишини топа олмади. Тўғри бир-иккита сўзлар олиб ташланган. Аммо, бу спектаклнинг муваффақиятига эмас, балки тушунарсиз бўлиб қолишига хизмат қилган. Албатта, бу спектакл мавзу жиҳатидан ҳам ғоявий жиҳатидан бугунги кунимизга тўла жавоб бера олади. Чунки, ҳозир ҳам ўз оиласи, хотин-бола чақалари олдида маъсулиятни унутиб, оний орзу-

хавас учун муқаддас оилани бузаётган ёшларимиз талайгина. Балки, бундай ота-оналар ўз йўлларини топиб кетишар, аммо фарзандларчи? Улар Баҳора, Бахтиёр ҳамда Бутир сингари ўз ёғига ўзи қоврилиб яшашлари керакми?

Спектакл маиший мавзу асосига қурилган бўлиб, жамиятимизда ҳар қадамда учраб турган нопок оилаларнинг бошига тушган савдолар кўрсатилган. Бу иллатларга қарши маҳалла бош-қош бўлиб курашади. Аммо балиқ бошидан деб маҳалла оқсоқоли ҳам қора кўчаннинг қора ниятли кишиси бўлиб чиқади. Бу спектакл ҳам инсонларни огоҳ бўлишга чақиради. Фақатгина асар қаҳрамонлари каби “паймонаси” тўлганда эмас, “касални даволашдан кўра олдини олган маъқул” ақидасини илгари суради. Албатта спектакл ғоявий жиҳатдан долзарб, мулоҳазалидир. Аммо унга ёндашиш ҳамда актёрлик талқини “примитив” ва ночор бўлиб қолган. Бу спектаклнинг савиясини тушириб юборган. Натижада муаллифнинг пухта ғоявий асарини режиссёр зерикарли томошага айлантириб қўйган.

Театрда маҳаллий асарлар билан бир қаторда жаҳон классик дурдоналари ҳам репертуардан муносиб ўрин эгаллаган. Энг қувонарлиси шуки, бу маъсулиятли ишни ёшлар ўз зиммасига

олмоқда. Яқин йиллар ичида Г, Олимова, Ш.Усмонов каби ёш режжиссёрлар Мрожакнинг “Қирол”, Пушкиннинг “Сув париси”, Гогольнинг “Шинел”, Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” асарларига қўл уриб, театрга янгича манзара олиб кирди.

Дебют 2010 да водийдаги мавжуд 8 теарнинг фестивалда қатнашган ягона вакили Қўқон шаҳри Э. Усмоновнинг “Кўрмагани кўргани курсин”, С. Мрожакнинг “Қирол”, Гогольнинг “Шинел” муסיқа ва ҳаракатларга асосланган бир актёр театри спектакллари билан қатнашиб, “Шинел” асари учун 3 ўринга сазовар бўлди.

Дарҳақиқат, Ш. Усмонов Гоголнинг “Шинел” асарига қўл уриб Қўқон театрига моноспектаклни олиб кирди. Бу эса томашабинларнинг савиясини оширишга ва фикр мулоҳаза юритишга ундади. Илк бор спекткл намойиш этилганда унинг муסיқалари жаҳон клссик асарлридан бўлиб, Бах, Мотцарт ижодларидан намуналар келтирилган эди. Бу муסיқалар актёрнинг эмоционал ҳолатларини очишда қўл келган эди. Аммо бу муסיқаларнинг моҳиятига назар ташласак, сахнада намойиш этилётган жараёнга бутунлай зид эди.

Режиссёр ва актёр Ш. Усмонов бу вазиятни кеч бўлсада, моҳиятини англаб етиб спектакл муסיқаларини ўзгартирди.

Бунда “Ўзбектеатр” ижодий бирлашмаси кўмаги остида Муқимий номидаги муסיқали драма театридан бастакор ҳамда созандалар жалб этилиб куйлар ёзилди. Натижада актёр (Ш. Усмонов) энди сахнада якка ўзи курашмайди. Унга жонли классик муסיқа асбоблари (виоленчел, роял) жўр бўлади. Спектаклнинг муסיқаси баъзида томашабинни, қахрамон (А. Аккакивич)га қўшилиб хурсанд бўлишга ундаса, баъзида унинг фарёдидан олам ларзага келади. Сахнадаги жараёнда эса 2 муסיқа асбоби ёрдамида бутун бир оркестр жозибасини бера олган. Бир сўз билан айтганда спектаклда муסיқа қахрамон характери́ни бошқарувчи восита вазифасини ўтайди. Спектаклда актёрнинг пластик ҳаракати ўзига хос бўлиб, у муסיқага эгиз бўлиб ҳаракат қилмоқда. У худди томошабинни мавжланаётган тўлқинни эслатади спектакл асосан пьесанинг руҳига ёндашган. Унда актёрга ёрдам берувчи деталлардан ҳам унумли фойдаланилган.

Масалан: Арслон-бойлик, Тулки-айёрлик, Бўри-ёвузлик, ўргимчак- манманлик тимсоли қилиб олинган. Бу эса пьесадаги қахрамонларнинг А. Аккакивичга нисбатан муносабатларини ифодалаган. Актёр ва режиссёр Ш. Усмонов асосан қахрамоннинг руҳиятига эътибор берган. А. Аккакивич тимсолида ўша давр

мухитини кўрсатиб берган десак муболаға бўлмайди. Актёрнинг ҳар бир ҳаракатида ўзига хос ритм ва жозиба кучли акс этган. Томошабин назаримда сахнада ҳақиқий Гогол тасаввуридаги А. Аккакивични кўргандай бўлди. Чунки актёр образнинг ички дунёсини очиб бера олган. Албатта, бу спектаклни ҳамма ҳам томоша қила олмайди. Энг аввало у Гоголнинг асарини ўқиб чиқиши ёки юксак интеллектуал томашабин бўлиши шарт. Спектаклнинг бу жиҳатини ёқлаб бўлмайди. Чунки спектакл ҳамма учун тушунарли бўлиши керак. Балки бу спектакл маълум жамоа ёки тоифа учун мўлжаллангандир.

Театр ва спектакл муваффақиятларни ҳам бирин-кетин бошдан кечирмоқда. 2010 йил октябрда Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалда Қўқон шаҳри Гоголнинг “Шинел” спектакли билан қатнашиб, томашабинлар ва мутахассислар олқишига сазовар бўлди. Бу муваффақият ҳали якунланганича йўқ...

Режиссёр Ш. Усмонов 2011 йилнинг ёзида яна бир янги кўринишдаги спектаклга қўл урди. Бу Алишер Навоий қаламига мансуб “Лайли ва Мажнун” достони асосида ҳаракат ва ўзбек мумтоз мақомларидан иборат моноспектаклдир.

Мўжазгина сахна иккига бўлинган бир тарафи оқ, иккинчи тарафи қизил матолар билан безатилган, ўртада катта тош, сахнани

бир чети билан иккинчи бирлаштирувчи ярим ой шаклидаги арқон ташланган, худди шу шаклда шамлар жойлаштирилган. Спектаклдаги ҳар бир детал ўз ижросига ва мантиқий ечимига эга. Масалан, оқ ва қизил севишганларнинг яхши ва ёмон кунларига ишора, шамлар эса уларнинг умр чироғи. Лайли ва Мажнуннинг ҳар бир бошига тушган азобидан сўнг бу шамлар ўзлари томонидан спектакл давомида ўчириб борилади. Спектаклда икки қаҳрамон иштирок этса ҳам асосий юк Мажнун (Ш. Усмонов)га тушади. Спектаклнинг яна бир муомила воситаси бу ғазаллар ва мақомлардир.

Спектакл “Айлагач” мақомидан бошланади. Бир-бирларига тўқнашиб юракларида муҳаббат куртаклари уйғанаётганда “Мубтало бўлдим” ундан сўнг “Кўрмадим” мақомлари куйланади.

Спектаклнинг кулминацион жойида эса “Муножат” ашуласи айтилиб, актёр (Ш. Усмонов) девоналарча рақсга тушади.

Спектакл давомида яна “Эй сабо”, “Ушшоқ”, “Сегоҳ”, “Ёр-ёр”, “Алла” каби ашула ва қўшиқлар қаҳрамоннинг бошига тушадиган вазиятларга қараб бирма-бир айтилади.

Режиссёр спектаклни реал муҳаббат асосига қуришни мақсад қилиб олган бўлса ҳам унда илохий ишқ устуворлик қилади. Спектакл сўнгги ўзига хос ечимга эга бўлиб, томашанинг бошидан то

охирига қадар асосий восита бўлиб хизмат қилаётган оқ мато спектакл сўнггида (икки севишган қалбнинг) кафан вазифасини ўтайди.

Режиссёр ва актёр Ш. Усмонов бу спектаклда ҳам пластик ҳаракат ва мусиқа ёрдамида томошабинни бир нуқтага муҳрлаб қўйди.

Гарчи дoston барчага маълум бўлса ҳам энди нима бўлади деган савол томашабинни тинч қўймайди. Бир сўз билан айтганда томоша рамзийлик асосига қурилиб актёр ва режиссёр Ш. Усмонов томонидан муваффақиятли тарзда томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Театрнинг ёш режиссёри Г.Олимова ҳам театр учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Дебют-2010 Г.Олимова ҳам ўзининг “Қирол” спектакли билан қатнашди. Аммо, С.Мрожакнинг асарини муносиб талқин этилмагани учун, ғоявий хатоликларга йўл қўйди.

Спектаклда асосан уч актёр иштирок этади. Воқеа ҳам бир жойда яъни кўз шифокорининг хонасида бўлиб ўтади. Қирол спектаклида инсонларнинг тубанлик ботқоғига ботиб бораётганини ҳамда

амалпарастлик иллатларини қораланган. Яъни “Балиқ бошидан...” мақоли эпиграф қилиб олинган.

Спектаклда қатнашувчилар Ҳалимжон Охунов, Хасан Орифжонов, Юнусали Ҳалиловлардир. Спектаклда мавзу ўринли топилган. Аммо, унга борадиган йўл яъни ғоя асосланмаган.

Спектакл декорацияси томошабинни ўзига тормайди, балки зериктиради. Рамзийликдан фойдаланиш учун режиссёр астойдил изланган. Аммо, натижа самарасиз яқунланган. Спектакл ечими томошабинган тушунарсизлигича қолиб кетган. Чунки, энг тубан, амалидан фойдаланиб ёвузликлар қилувчи шифокор қирол сифатида спектакл сўнгида тахтга ўтиради.

Спектаклдаги актёрлар ижроларида сохталик яққол сезилиб қолган, ҳаққонийлик кўринмайди. Яъни улар ролларига қалбан эғалик қила олмаган. Тўғри, спектакл давомида актёр Ҳасан Орифжонов ўзининг топилмаларини, образининг кайфиятини ва мимикалари ҳамда овоз имкониятларидан унумли фойдаланган. Аммо, образнинг асл моҳиятини, ғояга хизмат қилувчи ўрнини топа олмаган. Шу сабабли спектакл атиги икки бор сахна юзини кўрди. Сўнг репертуардан олиб ташланди.

Аммо, яқин кунларда Г.Олимова яна бир янги асарга кўл урди. Бу Ҳамид Олимжон таржимаси асосида Пушкиннинг “Сув париси” шеърий драмасидир. Спектаклда соф севги тараннум этилиб, унда қаҳрамонлар буюк муҳаббат қаршисида синовдан ўттадилар. “Сув париси” спектаклида Саодат Қурбонова, Сайёра хусаинова, Ғайрат Ахмедов, Гулзира Мамажоновалар бош ролларни ижро этган. Бу спектакл “Қирол дан мутлақо фарқ қилган ҳолда томошабин билан ҳисоблашади. Нафақат декорацияси, балки мусиқаси ҳам спектакл ғоясини очишга хизмат қилади.

Спектаклда асосий қаҳрамонларни ёшлар ташкил қилади. Театрда очилган актёрлар тайёрловчи студия ҳам “Сув париси”нинг муваффақиятини таъминлади, десак муболаға бўлмайди. Чунки, бу студия иштирокчилари ўз ҳаётларини сахнада кўрсатаётгандек берилиб, “Сув париси” спектаклида оз ролларини ижро этмоқдалар. Бир сўз билан айтганда бу спектакл театр репертуаридан муносиб ўрин олса арзийди. Аммо, натижа вақт ҳукмига ҳавола.

Юқорида номлари санаб ўтилган спектакллар ва уларнинг дунёга келишида жонбозлик кўрсатаётган ижодкорлар камчиликлари билан биргаликда театрнинг суянган тоғларидир. Шу ёш ижодкорлар бор экан: болалар, ёшлар ва хаттоки кексалар ҳам театр эшигини

қоқмоқда. Театрда рақобат авжида, рақобат мевалари эса доимгидек ширин бўлади дейишади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, театрнинг камчиликларидан бири бу мусиқали сахна асарларининг сахналаштирилмаётганидадаир. Бу камчиликларнинг асосий сабаби созандалар ва мусиқа асбобларининг йўқлигидадаир. Агар театр шунлай асарлар устидан ишласа, четдан ўз маблағлари эвазига созандалар жалб қилишга мажбурдирлар.

Ҳозирги кунда театрда Ўзбекистон халқ артисти Шафоат Раҳматуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хурсандой Умарова, артистлар М.Ҳалилов, Е.Жўраев, О.Бегматовалар катори С.Пўлатова, Ҳ.Орифжонов, О.Акбаров, О.Ҳалимов, Э.Жўраев каби актёрлар устоз-шогирд анънасини давом эттириб аҳил жамоа сифатида ишламоқдалар.

кўкон театри балки номига нуфузига яраша спектакллар сахналаштира олмаётгандир. Аммо театр улкан изланишда. Театрнинг бир режиссёри маҳаллий асарларни сахнага олиб чиқса, бири жаҳон драматургиясининг дурдоналарига қўл урмоқда. Балки, бугунги кунда бу ҳаракатлар улкан натижа кўрсатмаётгандир. Аммо, театр ходимлари ишонадики. бу меҳнатлар самараси ўз мевасини албатта беради. Бизга маълумки, қадам ташлаб, ҳаракат бошланган

жойда камчиликлар бўлади. Шундай экан театрнинг бундан кейинги ижодий парвозларига омадлар тилаб, ўз номига муносиб бўлган спектакллар кутиб қоламиз.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. Н. В. Гоголь “Шинель” ҳикояси
2. О. Мамадова, “Жаннати аёл” пьесаси
3. Турғун Азизов “Менинг режиссёрлик ишларим”
4. Ҳамиджон Икромов “Давр ва театр”
5. Р.Мухаммаджонов “Давлат болалари” пьесаси

Кўрилган спектакллар рўйхати:

- “Бахтнинг шакли” (А. Назарий, реж. А. Азизов)
- “Паймона” (Ўткир Ҳошимов, реж. Г. Олимова)
- “Шинель” (Н. В. Гоголь, реж. Ш. Усмонов)
- “Қирол” (С. Мрожак, реж. Г.Олимова)
- “Жаннати аёл” (О. Мамадова, реж. И. Абдуллаев)
- “Лайли ва Мажнун” (А.Навоий, реж: Ш.Усмонов)
- “Сув париси” (Пушкин, реж: Г.Олимова)
- “Давлат болалари” (Р.Мухаммаджонов, реж: Р.Рустамов)